

ЖАҲОН БОЗОРИГА СИФАТ ТАМОЙИЛИ БИЛАН

(Боши 1-саҳифада)

Барча соҳаларни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни жаҳон андозалари даражасида ташкил этишга қаратилган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Айниқса, бу жараёнда таркибиди юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар улуши мунтазам ортиб бораётгани ниҳоятда аҳамиятлидир. Хорижлик ишбилармонлар мамлакатимиз билан савдо, ишлаб чиқариш ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришга катта қизиқиш билдиришмоқда. Уларни, энг аввало, миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва изчил юқалиб бораётгани ўзига кенг жалб қилмоқда. Шунингдек, яратилган қулай ишбилармонлик муҳити инвестициявий жозибдорликни оширмоқда.

Изчил ислохотлар самарасини мамлакатимиз экспорт салоҳияти юқсалиётганида ҳам кўриш мумкин. Утган даврда мамлакатимиз иқтисодиёти экспортга тола ва ундан тайёрланган маҳсулотлар ҳажми ва сифати ошди. Ўзбекистон пахтаси ва ундан тайёрланган маҳсулотларнинг харидорлари сафи кенгайиб бормоқда. Буни ушбу рақамларда янада аниқроқ кўрамиз: 2005 йилда ўтказилган мазкур ярмаркада дунёнинг 30 та давлатидан 170 га яқин трейдерлик ва тўқимачилик компаниялари вакиллари қатнашган бўлса, ўннинг бор ўтказилган тадбирда дунёнинг 50 га яқин мамлакатдан пахта ва тўқимачилик соҳаси компанияларининг мингдан зиёда вакили иштирок этди. Қолаверса, утган даврда Ўзбекистоннинг пахта ва тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш жўроғи ҳам кенгайиб бормоқда. Авваллари пахта толасини Европа давлатлари сойтиб олган бўлса, кейинги йилларда улар қаторига Хитой, Бангладеш ҳамда Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа давлатлари ҳам қўшилди.

Ўзбекистонда пахта етиштириши, уни қайта ишлаш борасида жуда катта таъриб ва салоҳият тўпланган. Айни пайтда юртимиз дунёда пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш борасида бешинчи ўринда туриши ҳам фикримизнинг исботидир. Ўзбек пахтасининг сановатлиги, толасининг узунлиги, пишкчилик, ранги ва микрофайл кўрсаткичлари билан ажралиб туриши дунё сановатчилари, ишбилармонларининг унга қизиқишини тобора оширмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда пахтани қайта ишлаш борасида, хусусан, энгил сановатда амалга оширилаётган ислохотлар самарасидаги ижобий ютуқлар ҳам хорижлик ишбилармонларнинг назаридан четда эмас.

Форум иштирокчилари мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида пахта ва тўқимачилик



саноатида амалга оширилаётган улан ислохотларни жойларга бориб кўришди.

Мамлакатимиз пахта тозалаш сановатида амалга оширилган ислохотлар тола сифатини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2007-2011 йилларда пахта тозалаш сановати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарори асосида барча пахта тозалаш заводлари реконструкция ва модернизация қилинди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ошди, тола сифати ҳам ортди.

Хусусан, Юқоричирчиқ туманидаги "Ўзбекистон пахта тозалаш" ошқ акциядорлик жамиятида ҳам кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилди. Эски технологиялар ўрнига хориждан келтирилган, тозалаш, тола ажратиш ва тайлаш ускуналари келтирилиб, ўрнатилди.

Корхонанинг бир йилдаги ишлаб чиқариш куввати 20 минг тонна ташкил этади, — дейди "Ўзбекистон пахта тозалаш" ошқ акциядорлик жамияти раҳбари Шукуржон Абдураззоқов. — Тумандаги 220 та фермер ҳўжалиги билан ҳаммашэ қабул қилиш борасида шартнома имзоланган. Айни пайтда қабул қилинган пахтанинг 85 фоизи юқори навларга олинди. Пахта сифати ошиши баробарида ҳосилдорлик ҳам ўсиб бормоқда. Фермерларнинг ҳар гектар майдондан 40 центнердан ошириб ҳосил олаётгани ҳам фикримиз далилидир. Амалга оширилган модернизация натижасида ишлаб чиқарилаётган тола ҳажмида "Олий" ва "Яхши" синфлар ҳиссаси 87,3 фоизгача ошди, маҳсулот таннари 20 фоизгача камайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, соҳага янги технологиялар олиб кирилиши баробарида илғор таж-

рибалар ҳам татбиқ этилаётди.

Бу ерда тадбир иштирокчилари жорий йилги пахта ғарамлари, пахта тозалаш жараёни, соҳадаги илғор технологиялар билан танишишди. Янгиланишлар ва ўзгаришлар чет эллик ишлаб чиқарувчилар ва ҳамкорларда катта қизиқиш ўйотди.

Ўзбекистон пахта толаси ўзининг сановатлиги билан алоҳида ақралиб туради, — дейди "Ningbo xington logistics co. ltd" (Хитой) компанияси бошқарувчиси Юан Фэн. — Компаниямиз пахта толаси савдоси билан шуғулланади. Ўзбекистонда пахтани қайта ишлашдан уни харидорга етказиб беришгача бўлган жараёнда мукамал тизим яратилган. Пахта форумининг жуда яхши ташкил этилганига ғувоҳ бўлиб турибмиз. Ушбу форум ҳамкорлигимиз кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

Форум иштирокчиларининг таъкидлашича, жаҳон бозоридаги жиддий рақобат шароитида ўзбек пахтасининг сифати ҳамда уни етказиб бериш инфратузилмасининг барқарор фаолияти унинг шуҳрати янада ошишига хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда пахтани сойтиш бўйича барча хизматларни кўрсатадиган, толаи сақлайдиган ҳамда жўнатишни таъминлайдиган терминаллар тармоғини ўз ичига олган замонавий инфратузилма ташкил этилди.

Мамлакатимиздаги 21 та минтақавий пахта терминаллари ичиде "Тошкент-тола" терминали энг йириги ҳисобланади. 45 минг тонна пахта толасини қабул қилиш, сақлаш ва экспортга жўнатиш имкониятига эга терминалда 7 та омборхона мавжуд. Замонавий техникалар ёрдамида Тошкент вилоятидаги пахта тозалаш заводларида қайта ишланган тола мазкур терминал орқали мижозларга етказиб берилмоқда. "Сифат" марказининг бу ердаги лабораторияси тола-

ни қабул қилиш ва таснифлаш ишларини амалга оширади. Шунингдек, терминалда толани фумигациялаш, фитосанитар сертификати ҳамда божхона кўригидан ўтказиш каби муҳим тадбирлар бажарилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг "Ўзамракзимпекс", "Ўзинтеримпекс" ва "Ўзпроммашимпекс" компаниялари замонавий савдо ускулларини амалиётга татбиқ этмоқда, бу ўз навбатида, пахта толасини хорижлик ҳамкорларга маромда етказиб бериш имконини бериб, халқаро алоқаларни мустақамлашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимизда пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳажми ошмоқда. Бу кўрсаткич утган асрнинг 90-йилларидаги 7 фоиздан 2012 йилда 40 фоизга ўсди. Ҳисоб-китобларга кўра, яқин йиллар ичиде Ўзбекистонда етиштирилаётган жами пахта толасининг асосий қисми ўзимизда чуқур қайта ишланади. Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириш давомида тўқимачилик сановати ҳам изчил ривожланиб, янги корхоналар ишга туширилмоқда, уларнинг ишлаб чиқариш куввати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари ҳар йили ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган янги турлар билан бойитилмоқда. Соҳага жалб қилинаётган инвестиция ва замонавий технологиялар маҳсулот сифатини ошириб, рақобатбардошлигини таъминламоқда, экспорт салоҳияти юқсалишига хизмат қилмоқда.

Бу жараёнда Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги

"2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси сановатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётди. Бугун мамлакатимизда уч мингдан ортиқ энгил сановат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 300 дан ортиғи "Ўзбек-енгилсановат" давлат акциядорлик компанияси таркибига кирди. Шу билан бирга, қўшимча корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. Мустақиллик йилларида ушбу соҳада маҳсулот экспорти 110 баробарга ўсди, айни пайтда энгил сановат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунёнинг 45 давлатига экспорт қилинмоқда.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган йирик "Uztext" компаниялари гуруҳи томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам харидорлиги билан ажралиб туради. Айни пайтда компания фабрикаларида ип, сурп, гулли матолар, эркалар, аёллар ва болалар учун бежирим кийимлар ва бошқа кўплаб турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Форум катнашчилари бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан танишган "Uztext-Chirchik" корхонасида ип-калавадан тайёр маҳсулотча ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада йилга 11 минг тонна калава-ип, 6,4 минг тонна бўялган мато, 10 миллион дона тайёр кийим-кечак ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий технологиялар иш суръатини ошириш ҳамда сифатини таъминлашга хизмат қилмоқда. Маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистон нафақат ўзининг сифатли толаси, балки сифатли тайёр маҳсулотлари билан ҳам дунё бозорига чиқиб бормоқда, — дейди "Patex" (Жанубий Корея) тўқимачилик корхонаси директори Донг Хо Хан. — "Uztext-Chirchik" корхонаси фаолияти билан танишиш жараёнида бунга яна бир бора амин бўлдим. Бу ерда хомашедан тайёр маҳсулот чиқаришгача бўлган жараён қамраб олинган.

Бу йилги ярмарканинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда тадбир иштирокчилари биржа савдоларида иштирок этиш, пахта толаси намуналари билан танишиш, шартнома ва келишувларга эришиш баробарида муҳим мавзулардаги мажлисларда ва давра суҳбатларида катнашиш имконига эга бўлди.

Ўртимизда етиштирилган пахта ва ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларига жаҳон бозорини талаб катта. Форум иштирокчилари таъкидлашганидек, Ўзбекистонда пахта ва энгил сановатда амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Бухоро Вилояти

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар ва жамиятимизда шакллланган янгича ишлаб чиқариш муносабатлари жараёнида меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юқсалтириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, дам олишини ташкил этиш, саломатлигини тиклаш, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар касба уюшмалари кенгашлари ҳамда уларнинг бошланғич ташкилотлари зиммасига юклатилган масъулиятли вазифадир.

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ — УНУМЛИ МЕҲНАТГА ҚАНОТ

Утган даврда ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш масалалари бизнинг "Когонё" акциядорлик жамияти бошланғич касба уюшма кўмитасининг ҳам доимий диққат марказида бўлди. Ижтимоий шерикчилик таъминоти асосида касба уюшмаси кўмитаси ва раҳбарият ўртасида тузилган Жамоа шартномаси имкониятларидан кенг фойдаланиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, улар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Жамоа шартномасини тузиш ва унинг ижросини таъминлашда ижобий ўсишга эришилмоқда.

Жамиятимизда бошланғич касба уюшма кўмитаси аъзолари сони 510 нафардан ортик. Касба уюшма кўмитасининг ўз иш режаси асосида ходимлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий негизини, ижтимоий шерикчиликни шакллантириш, меҳнат муҳофазаси, ишчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олишларини ташкил этиш, оиллик маошларининг ўз вақтида тўлалини назорат қилиш, улар ўртасида жисмоний ва маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш борасида изчил иш олиб бормоқда.

Жамоа шартномасига мувофиқ, кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда "Соғлом бола йили" Давлат дастурини бажариш борасида қатор ишлар бажарилди. Жумладан, муҳим сана ва байрамлар арафасида жамиятимизда меҳнат қилаётган 138 нафар меҳнат қилувчи 136 нафар пенсионер, 5 нафар ногирон, 5 нафар меҳнат фахрийси, 40 нафар кам таъминланган ҳамда 6 та фарғ ёш оила ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. "Зарафшон" болалар оромгоҳида жамият ишчи-ҳодимлари фарзандларининг дам олишини ташкил этиш, уларнинг соғлими-

ни тиклаш мақсадида 11 миллион 863 минг сўм маблағ сарфланди.

Бошланғич касба уюшмаси кўмитасининг иш режасига асосан цехлар ўртасида спортнинг шашка, шахмат, велопойга турлари бўйича мусобақалар, турли кўрик-танловлар, кўнгилчоқ тадбирлар доимий равишда ўтказилиб, ходимларнинг мароқли дам олишларини ташкиллаштириш ишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш, уларни махсус кийим, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш воситалари ва бепул тушлик билан таъминлаш, жамият ҳисобидан йилда бир марта тиббий кўрикдан ўтказиш каби қатор хайрли ишлар ҳам амалга оширилди.

Бугун корхонанинг қошида ишчилар ошонаси, тиббиёт ва дам олиш хоналари, спорт-соғломлаштириш майдончаси фаолият кўрсатиб турибди. Шунингдек, ходимларимизнинг меҳнатга бўлган муносабатини янада яхшилаш мақсадида уларга қўшимча иш ҳақлари белгилаш, меҳнат таътиллари давомида ўз саломатлиқларини тиклашлари учун моддий ёрдам кўрсатиш, дам олиш саёҳатларини ташкил этиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу каби сай-ҳаракатлар самараси ўлароқ, жамиятимизда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, иш самарадорлиги йилдан-йилга яхшиланиб борапти.

Ўлайманки, бундан кейин ҳам корхонамизда ишчи-ҳодимларнинг самарали фаолият юритишлари учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш раҳбарият ва бошланғич касба уюшма кўмитаси диққат марказидаги асосий масалалардан бири бўлиб қолаверади.

Нурия ГУЛЬФАНОВА,
"Когонё" акциядорлик жамияти бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси.

Хоразм Вилояти



Жамиятимизда шундай хунарлар борки, уларни аёллар меҳнатисиз тасаввур этиш қийин. Дейлик, тикувчилик ёки каштачилик. Уни фақатгина аёллар эплаши мумкин. Яхшигина даромад келтирадиган ушбу хунарларни касба айлантираётган, ҳам оилага, ҳам жамиятга фойда келтираётган аёлларимиз бугун жамиятнинг таянчига айлана бораётди.

БАНК КРЕДИТИ ҚЎЛ КЕЛДИ

Айни шу жараёнда биз тадбиркорларга банклар томонидан кўрсатилаётган мададнинг алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Тўғри-да, қўлингиздаги хунарингиз асосида тадбиркорлик фаолияти бошламоқчи бўлганингизда, сизнинг лойиҳангизни банк молиявий қўллаб-қувватласа, йўл-йўриқ кўрсатиб, кредит берса, сиз ҳам руҳланиб кетасиз.

Оддийгина ўзининг фаолиятини мисол қилиб келтирсам, ишимизни ривожлантиришда "Ипотeka-банк" Хоразм вилояти филиалининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Тикувчиликни ривожлантириш мақсадида ўтган йили банкдан 30 миллион сўм сармоя олгандик. Ҳозир шу маблағдан фойдаланиб, маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйдик. Яна денг, саккиз киши ишли бўлди. Уларнинг олититаси касб-хунар коллежи битирувчилари. Шу ўринда айтмоқчи эдимки, кредит ишимизга барака киритди. Ҳар ойда 12 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз. Даромаду бумрадимизни ҳисоб-китоб қилсак, тез фурсатда кредитни тўлаб бўлиб, оладиган фойдамиз ошар экан. Шундай экан, банкдан миннатдор бўлишимиз аниқ.

Бугун корхонамизда замонавий технологияларда ишлаётган ёшларни кўриб, ҳавасим келади. Улар билан ишлаш кишига илҳом бағишлайди. Шу боис, фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз. Янги йўналишлар, янги тармоқлар ташкил этмоқчимиз. Албатта, уларда яратилган иш ўринларида ёшларни тақлим этамиз. Бу мақсадимиз амалга оширишда ҳам яқин ҳамкоримиз — "Ипотeka-банк"ка суянамиз.

Гавҳар ОТАБЕКОВА,
Кўшкўпир туманидаги "ФОИЗ" хусусий корхонаси раҳбари.

Наманган Вилояти

ФАОЛИЯТ СЕРҚИРРА, ДАРОМАД САЛМОҚЛИ

Косонсой туманидаги кўп тармоқли "Турсунхон обод" фермер хўжалиги ихтиёрида 29,5 гектар экин майдони бор. Унинг 2,6 гектар боғида мева, 14 гектариде ғалла, 4 гектариде пахта, қолган майдонларда эса сабзавот етиштирилади. Шунингдек, хўжаликнинг чорвачилик фермасида 40 бosh қорамол парваришланмоқда.

Хўжалик раҳбари Маматхон Муртозоевнинг таъкидлашича, мавжуд қорамолларнинг 20 боши соғин сиғирлар бўлиб, уларнинг ҳар биридан кунига ўрта ҳисобда 12-15 литрдан сут соғиб олинаётди. Маҳсулотнинг бир қисми шартнома асосида туман ҳудудиде фаолият кўрсатаётган "Чашма сафед" фермер хўжалигига қайта ишлаш учун етказиб берилмоқда.

Хўжаликда 16 нафар киши фаолият юритади. Уларнинг барчаси ўз соҳаларининг фидойи кишилари. Масалан, Жўрахон Юсупов турмуш ўртоғи Манзурахон Юсупова билан чорвачилик, Аҳадхон Раҳмонов, Низомхон Низомов, Абдураҳмонхўжа Юсуповлар эса боғдорчилик, Бахтиёр Муртозоев ва бошқалар саб-

завотчиликда катта таърибга тўплашган. Шу боис, хўжаликдаги ҳар бир тармоқнинг иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга яхшиланиб бораётди. Далани техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Уни моҳирона бошқараётган механизаторлар Убайдулло Эшонов ва Абдураҳмон Абдуллаевлар фермер хўжалигининг асосий таянч кучлари ҳисобланишди.

— Агрофирмаимиз ҳудудиде жами 42 та фермер хўжаликлари фаолият олиб бораётган бўлса, улар орасида Маматхон ака Муртозоев сингари ўз ишига вийжодан ёндашадиган фермерлар кўпчилигини ташкил этади, — дейди "Косонсой боғ-бонлари" агрофирмаси раҳбари Акбархон Эшонов. — Жумладан,



Муродхон Баҳодиров бошчилигидаги "Мурод", Ботирхон Бобохонов раҳбарлигидаги "Ризк", Султонхон Боқиев етакчилигидаги "Шокирбек Султон Косоний" фермер хўжаликлари ана шундай илғор хўжаликлардан ҳисобланади. Улар жорий йилда ҳам деҳқончилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ҳамда чорвачилик соҳаларида яхши кўрсаткичларни қайд этишди. "Турсунхон

обод" фермер хўжалиги аъзолари эса 50 бosh қорамолга мўлжалланган чорвачилик фермаси биносини барпо этиб, иш самарадорлигини янада оширишга интилишмоқда.

Ҳа, элим-юртим дейдиган Маматхон Муртозоев сингари фидойи фермерлар сай-ҳаракати билан юрт обод бўлиб бормоқда.

Маъмур МУСУЛОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти

Яккабоғ туманида 7200 гектар майдонда деҳқончилик қилган фермер хўжаликлари бугунгача давлатга 21 минг тоннадан ортиқ қимматбахо сановат хомашёсини етказиб бердилар. Мавжуд 322 та фермер хўжалигида ҳисобдорлик кескин ошди. Булар сафиде тумандаги «Сафарамин ўғли Боқи» фермер хўжалиги ҳам бор.

ХИРМОНИНГИЗГА БАРАКА, ПАХТАКОРЛАР!

Деҳқонмурод Сафаров бошлиқ мазкур фермер хўжалиги деҳқонлари 25 гектар майдонда ғўзанинг "Наманган-77" навидан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар гектар майдондан 43 центнердан ҳосил олинди, давлатга юз тоннадан ортиқ қимматбахо сановат хомашёси топширилди.

— Агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши муваффақиятлар омили бўлди, —

дейди «Сафарамин ўғли Боқи» фермер хўжалиги етакчиси Деҳқонмурод Сафаров. — Табиий иқлимимизга мос ғўзанинг "Наманган-77" навидан кўзда тутилганидан 8 центнер ортиқ ҳосил олдик. Бу пахтачиликдан келадиган даромаднинг янада ошишидан далолатдир.

Туманда бундай илғор фермер хўжаликлари кўплаб топилди. "Улаш ҳожи Жалил ўғли", "Йўлдошев Сафар Дилмуродович",

"Бегимкулов Хайрулла", "Улуғвор мерос", "Отасуллов Юсуфжон Тоҳирович", "Жуманазар Сами бобо ўғли" фермер хўжаликлариде ҳам биринчи теримдаёқ 40-42 центнердан хирмон кўтарилди. Яккабоғлик пахтакорлар даладаги ҳосилни нест-нобуд қилмадан саранжомлаш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Самарқанд Вилояти

САМАРҚАНД ЖИНСИЛАРИ

Самарқанддаги "B.S.H Group" корхонасида жинси шимлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Компания бош директори Исмет Омоновнинг таъкидлашича, жинси мато Туркия ва Ҳиндистондан келтирилиб, шу ернинг ўзиде тикилади.

Айни пайтда корхона кунига 1,5-1,8 мингта шим ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона жамоаси йил охиригача ушбу кўрсаткични 5 мингтага етказишни режалаштирган.

Ҳозирда 200 нафар ҳодим меҳнат қилаётган корхонада эркалар, аёллар, болалар учун жинси шимлар, курткалар, юбкалар, комбинезонлар ва бошқа турдаги кийимлар ишлаб чиқаришмоқда.

«ЖОМБОЙ ЖАВОҲИРИ»ДА ГИПС ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Жомбой туманида гипс ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Жомбой жавоҳири» қўшма корхонаси ишга тушди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёдан кенг фойдаланилмоқда. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 40 минг тоннага тенг бўлиб, йил охирига қадар 10 минг тонна гипс ишлаб чиқариш режалаштирилган. Унинг асосий қисми хорижга экспорт қилинади.

Нуридин БОЛИЕВ

ЖАЙХУН БЎЙИДА ЯШНАГАН МАСКАН

Амударё – Қорақалпоғистон Республикасининг жанубида жойлашган йirik туманлардан бири ҳисобланади. Истиклол йилларида тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, саноат, транспорт ва ижтимоий соҳаларда юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунинг ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.



“Амударёдавсулмаҳсусуудрат” давлат унитар корхонаси директори Рўзमत Юсунов (ўнгдан биринчи) мутахассислар билан навбатдаги ишлар ҳусусида фикрлашмоқда.

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ САЛМОҚЛИ

– Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб фермерликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Амударё тумани ҳокими Ражаббой Йўлдошев. – Бугунги фермер хўжаликлари нафақат пахта ва галла етиштириш, балки ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан ҳам шуғулланиб, кўп тармоқли фаолият юритмоқда. Тумандаги 197 та фермер хўжаликлари ҳисобидан 2,1 миллиард сўмдан зиёд, банк кредитлари ҳисобидан 1,2 миллиард сўм, жами 3,1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Бунинг эвазига 886 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда эса 52 та фермер хўжалигини кўп тармоқли қилиш юзасидан савб-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Ҳусусан, тумандаги “Амударё

қайта ишланиб, юқори сифатли ип-калава олинади. Бу ерда 250 та янги иш ўрни яратилди. Келгусида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини бир кеча-кундузда 15 тоннага етказиш, унинг бешдан тўрт қисмини экспорт қилиш, корхона қошида кийим-кечаклар ишлаб чиқарувчи тикувчилик цехини ишга тушириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Вьетнам мамлақати билан ҳамкорликдаги “Asia silk” шўъба корхонасида йилига 250 тонна пилла қайта ишланиб, 60 тонна ипак тайёрланмоқда. Тайёр маҳсулотнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинади. Жумладан, жорий йилнинг ўтган ойларида 315 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 287 миң АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот экспортга жўнатилди.

“Амударё пахта тозалаш заводи” очик акциядорлик жамиятида ҳам иш ҳажми йил сайин ортмоқда. Корхонада йилига қарий 40 миң тонна пахта қайта ишланиб, жаҳон талабига жавоб берадиган 14 миң тонна тола ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, “Mangit invest plus” масъулия-

лион сўм бўлган сутни қайта ишлаш комплекси, мева, сабзавот маҳсулотларини сақлайдиган замонавий совиткичи 3 та омборхона, 295 миң АҚШ доллари миқдоридagi чет эл сармоясига эвазига Вьетнам мамлақатидан олиб келиб ўрнатилган ускуналар билан бир кеча-кундузда 20 тонна арматура ишлаб чиқарадиган “Шош Мангит” корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Туманда 2 миңдан зиёд тадбиркорлик субъектлари иштирокида ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳалари жадал ривожланмоқда. Уларга жорий йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида тижорат банклари томонидан 8220,7 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Давлатимиз томонидан соҳага қаратилаётган катта эътибор, берилаётган имтиёз, қулай сармоявий муҳит натижасида ялпи ички муҳсулотдаги кичик бизнеснинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган ойларида бу кўрсаткич саноатда 33,9, қишлоқ хўжалигида 98,5, қурилишда 86,1, чакана савдо айланмасида 44,9 фоизни ташкил этди. Туманда жорий йилда 5249 та янги иш ўрни яратиш бўйича амалий чоралар қўриллаётган бўлса, шундан асосий қисми кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади.

да 82 та умумтаълим мактаби, 37 та мактабгача таълим муассасаси, 3 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 2 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият юритмоқда. Барча таълим муассасаларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда. Жорий ўқув йили арафасида тумандаги 4-умумтаълим мактабининг янги биноси қуриб битказилди, 15-умумтаълим мактаби биноси замонавий иқфа касб этмоқда.

Ҳозирги кунда туманда замонавий архитектура талаби асосида қурилиб, жаҳон стандартларига мувофиқ жиҳозланган 8 та касб-хунар коллежи, 1 та академик лицей самарали фаолият юритмоқда. Ушбу таълим муассасалари замонавий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминланган. Бугунги кунда касб-хунар

нинг ворисларимиз, деган фикрлари бугунги ҳаётимизда ўзининг амалий тасдиғини топаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Туман ўқувчи-ёшлари республика миқёсида ўтказиб келинаётган турли кўрик-танловлар ва мусобақаларда фаол иштирок этишмоқда. Жумладан, ўтган йиллар мобайнида Амударё академик лицейининг “Қалқон” жамоаси “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси босқичида III ўринни, ушбу лицейнинг “Сардор” жамоаси “Шунқорлар” ҳарбий спорт мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида I ўринни, “Ёш чағачилар” ҳарбий спорт мусобақасининг Ўзбекистон Республикаси босқичида III ўринни эгаллади. Жорий йилда эса Амударё маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи жамоаси ушбу мусобақанинг мамла-

си 275 миллион сўм маблағ эвазига капитал таъмирланди. Туманнинг иқтидорли ёшлари “Ягонасан, муқаддас Ватаним!”, “Ниҳол”, “Камалак юлдузлари” ва бошқа кўрик-танловлар ҳамда тадбирларда фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Ёшларни спортга жалб қилиш мақсадида мустақиллик йилларида 13 та спорт иншоотлари қурилиб, улар учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом, жисмонан бақувват, маънан етук, Ватанимизга садоқатли, мард инсонлар этиб тарбиялашда спорт муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадда ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2003-2013 йилларда спорт мажмуалари қурилишига 5,4 миллиард, уларни спорт жиҳозлари билан таъминлашга 1,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бугунги кунга келиб туман аҳолиси, шу жумладан, ёшлар 63 та спорт иншооти, 286 та спорт майдончаларида шуғулланишмоқда.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида туман тадбиркорларининг ҳомийлигида ва тижорат банклари кредитлари эвазига 5 та мини футбол майдончаси барпо этилмоқда. Туман спортчилари халқаро турнирларда, Осиё ва жаҳон чемпионатларида совриндорлар қаторидан жой эгаллашмоқда. Тумандан 4 нафар жаҳон чемпиони, 1 нафар Осиё чемпиони, 25 нафар Ўзбекистон ва 250 нафардан зиёд Қорақалпоғистон чемпионлари етишиб чиқди. Жумладан, Феруза Ҳайитметова ёшлар ўртасида кураш бўйича Россиянинг Тверь шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида, Зулҳижжа Худоеврова кураш бўйича катталар ўртасида Тошкент шаҳрида ўтказилган V жаҳон чемпионатида, Шамурат Машарипов кураш бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпионатида, Умида Матякубова дзюдо бўйича Украина мамлақатида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида, Эльёр Машарипов дзюдо бўйича Осиё очик биринчилигида голиблар сафидан ўрин олишди.



Бу йил ҳам мўл пахта ҳосили етиштирилиб, 60 га яқин фермер хўжаликлари қирқ центнерлик маррадан ўзиб кетишди.

соҳили” фермер хўжалигида замонавий чорвачилик комплекси, “Қорақалпоқ маҳсулотлари” масъулияти чекланган жамиятида паррандачилик фабрикаси ишга туширилди.

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури бўйича олиб борилаётган ишлар пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилдорликнинг йилдан-йилга юқорилашида ижобий самарасини бермоқда. Ўтган даврда туманда 32 миң гектардан зиёд экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Диққат-эътибор жорий йилнинг якуни бўйича пахтачилик билан шуғулланувчи 60 га яқин фермер хўжалигида ҳосилдорликни 40 центнердан оширишга қаратилган. Фермерларнинг пахтачиликдан олинадиган даромади эса 37,6 миллиард сўмдан ошиши кўзда тутилмоқда.

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЭДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР

Инвестиция муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш, хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги ишлар самарасида туманда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони кўпаймоқда. Жорий йилнинг сонида Буюк Британиянинг “Wilroy technology LLP” корхонаси мусассислигида “Amudaryotex” корхонаси ишга туширилди. Жами 43,2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi хорижий инвестиция ҳисобига ишга туширилган мазкур корхонада пахта

ти чекланган жамиятининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, “Agat invest group” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилган шағал чет давлатларга экспорт қилинмоқда. Умуман, туманнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида жорий йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида 6 миллион 892 миң АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот экспорт қилинган бўлса, йил охиригача бу кўрсаткичнинг 14 миллион 656 миң АҚШ доллари миқдорига етказиш чоралари кўрилмоқда.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар барпо этиш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда. Уларни сифатли қурилиш маҳсулоти билан таъминлаш мақсадида лойиҳа қиймати 1 миллиард 200 миллион сўм бўлган Хитой мамлақати технологияси асосидаги йилига 4 миллион дона гишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Қорақалпоқ қишлоқ қурилиш сервис” корхонаси ишга туширилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нафақат туманга, балки Оролбўйининг бошқа ҳудудларига ҳам етказиб берилмоқда.

Туманда йилига 9600 жуфт пойабзал, ойига 200 дона костюм-шим, мебель ва хўжалик қорози ишлаб чиқарадиган, йилига 335 тонна колбаса маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга корхоналар ва тикувчилик цехлари, лойиҳа қиймати 158 мил-

БУНЁДҚОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТ КЎЗГУСИ

Кейинги йилларда олиб борилаётган бунёдқорлик ишлари натижасида туман маркази ва қишлоқларда замонавий иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Президентимизнинг қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қарори бўйича 2010-2013 йиллар мобайнида туманда 217 та, жорий йил мустақиллик байрами арафасида яна 70 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Туман марказидаги “Камолот” ёшлар шаҳарчасида тўрт қаватли, 48 хонадонга мўлжалланган уй қуриллаётганлиги мамлакатимизда ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир намунаси. Янгидан барпо этилаётган маззеларда болалар спорт майдончалари, маҳалла гузарлари, маданий-маиший объектларнинг қурилиши ҳам биргаликда олиб борилмоқда. Истиклол йилларида туманда 6 та касб-хунар коллежи, 3 та умумтаълим мактаби, академик лицей, мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, “Баркамол авлод” болалар маркази иморатлари янгидан қурилган бўлса, бир қатор объектларда реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, 5200 та яқна тартибдаги уй-жойлар, тадбиркорлар томонидан 9 та тўйхона, кўптаб маданий-маиший хизмат кўрсатиш иморатлари қурилиб, бугунги кунда фаолият олиб бормоқда.

Таълим-тарбия соҳасида ҳам ибратли ишлар олиб борилиб, туман-



Ангана ва қадриялар бешиги бўлган маҳаллада ёшларни бунёдқорлик ва яратувчилик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда.

коллежларида 36 та мутахассислик бўйича ўрта-маҳсус маълумотли кадрлар тайёрланмоқда.

МУНОСИБ ВОРИСЛАР

Амударё туманидан илм-фан ривожига беқиёс ҳисса қўшган кўплай инсонлар етишиб чиққан. Ҳусусан, бу заминда 200 нафардан зиёд олимлар, академиклар, фан докторлари ва номзодлари ўсиб, камол топган. Уларнинг қаторига Мухтор Саидов, Амин Саидов, Пирмат Шермухамедов, Сафо Матчонов, Исмоил Беги-мов каби олимларни қўшимчимиз мумкин. Барча қулайликларга эга таълим масканларида билим олаётган, касб-хунар сирларини ўрганаётган ёшларимизни кўриб, муҳтарам Юртбошимизнинг улўф ажодлар-

кат босқичига йўланма олди.

Истиклол йилларида ёш истеъоддорлари излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва иқтидорларини намоийш этиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2001 йилда туман Маданият ва спорт ишлари бўлими янги бинога эга бўлди. Бўлимда “Офарин”, “Жайхун мўъжизаси”, “Учкун” халқ ансамбллари, 14 та йўналиш бўйича тўғарақлар, бундан ташқари, 7 та маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Туман марказидаги Маданият ва истироҳат боғи, мусиқа ва санъат мактабининг замонавий бинолари фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда Чойкўл овулидаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази бино-

Дарҳақиқат, мустақиллик йиллари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари каби Амударё тумани учун ҳам катта ўзгаришлар ва янгиликлар даври бўлмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, туман аҳолисининг дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгариб, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, меҳнат қилмоқда. Кўхна Жайхун бўйидаги бу ҳудуд тобора обод қиёфа касб этиб бормоқда.

Раҳимжон ОРИПОВ,
Қорақалпоғистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.
Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.



Маҳмуд ШОМУРОДОВ олган суратлар.

Жиззах Вилояти

САНЪАТ СИРИ САБОҚЛАРИ

БОЖХОНА НАЗОРАТИ

“Тошкент-Аэро” иختисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан нақд хоржий валюталарнинг ҳаво йўллари орқали ноқонуний олиб ўтилишига оид бир нечта божхона қоидабузарликлари фош этилди.

“УЧОЛМАГАН” ВАЛЮТАЛАР

Жумладан, Санкт Петербург парвози олдидан чуствлик Саидхон (исм-шарифлар ўзгартирилган) божхоначилар сезмайди, деган ғаразли ўй билан йўл сумкасига 1800 АҚШ долларини яшириб қўяди. Аммо божхона кўриги давомида унинг бу режаси чиппакка чиқди.

“Сен шохиди юрсанг, мен баргида юраман” қабилида ўзига ишонган пойтахтлик Гулзоданинг ҳам божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилишга бўлган уриниши наф бермади. Оқибатда Бокуга парвози олдидан унинг йўловчи божхона баённомасида қайд этилмаган 1820 АҚШ долларини билан эндиликда “хайрлашиши”га тўғри келади.

Олмаотага йўл олган қирғизлик Сардор божхона назоратидан ўтишдан олдин тавақкалига қўл урди. Аммо 2 минг АҚШ долларини билан тавақалига иш тутиш на ақлга ва на қонунга тўғри келишини тушуниб етганида кеч бўлган эди. Божхоначилар унинг кингир қилмишини ўз вақтида фош этишди.

Айни шу шаҳарга йўл олган китоблик Ҳалимовани ҳам худди шундай “қисмат” қарши олди. “Ўйчи ўйини ўйлагунча, тавақалчи ишни битиради” нақли ҳамма ҳам наф бермаслигини тушуниб етиш учун Ҳалимага “бой берилган” 3 минг АҚШ долларини етарли бўлса керак.

Меҳмон иззатини билгани яхши. Аммо она юртига қайтаётган хиндистонлик Амрит бу нақлга амал қилмади. Оқибатда аэропорт божхоначилари қаршисида нигоҳлари ер чиқди. Туррида, оғзаки сўров пайтида ҳам, божхона баённомасида ҳам ортиқча пулим йўқ, деб турса-ю, қўтилмаганда чўнтагига 2350 АҚШ долларини “пайдо” бўлиб қолса, у уялмай, ким уялсин? Кувадойлик Ҳаётхоннинг қуртаси чўнтақларига эса

“Тошкент-Аэро” иختисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда тилла буюмларнинг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ бир нечта қонунбузарлик ҳолатларига нуқта қўйилди.

ТИЛЛА “БАГАЖ”

Жумладан, қўқонлик Гулнозага тегишли сумка нақд 531 гр.га енгиллаштирилади. Мазкур божхона қоидабузарликларининг барчаси “Истанбул-Тошкент” рейси йўловчилари томонидан содир этилган бўлиб, ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув харакатлари давом эттирилмоқда.

Эслатиб ўтаамиз, жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз солиғи солилмайдиган товарлар олиб киришнинг чеklangан меъёрларига мувофиқ, жисмоний шахсларга мамлакатимизга кираётганда акциз солиғини тўламастан умумий оғирлиги 30 граммдан ошмайдиган, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган 5 та оғирлиги 198 гр.ни ташкил қилувчи тилла тақинчоқлар яширилгани аниқланди.

Божхона кўриги давомида бухороллик Шаҳнозаининг қингир қилмишларига ҳам нуқта қўйилди. У томонидан яширинча олиб ўтишга урилган заргарлик буюмлари олиб қўйилганидан сўнг,

“Тошкент-Аэро” ИБК Ахборот хизмати



Шароф НАЗАРОВ (Уса) олган суратлар.

ким ўйлабди, дейсиз. Албатта, бу Артобошимиз раҳнамолигига амалга оширилган ишлар самараси. Шундан рўҳаниб биз ҳам бор куч-ғайратимизни болаларимизни баркамол этиб улғайтиришга қаратмоқдамиз. Мактабга миллий қолғулар, анъанавий хонадаллик, фортепиано, эстрада ихрочилиги, рақс, драма ва кино актёрлиги, ранг-тасвир, қалам-тасвир, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги, зардузлик, компьютер графикаси йўналишлари бўйича болаларга 11 нафар малакали мутахассислар сабоқ бермоқда.

— Мактабимизга ўқувчиларни жалб этиш мақсадида концертлар, кўргазмалар ташкил этишни режалаштирдик, — дейди ўқув муассасаси директори Олим Довулов. — Мактабга энг иқтидорли ёшлар танлаб олинган. Барча йўналишлар бўйича тажрибали ўқитувчилар жамоасини шакллантирдик. Болаларимизнинг мусиқа ва санъат

АЛИЖОН АБДУСАТТОВ, “Qishloq hayoti” муҳбири.

О РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Санобар Босимова. — Илгари фақат қаламда расм чизардим. Энди мўйқаламдан фойдаланишни ўзлаштирдим. Портрет, миллий нақшлар ва миниатюралар чизишни ўрганиб олишни ният қилганман.

Хар бир хона дарс хуsusиятидан келиб чиқиб жиҳозланганлиги учун овоз ва шовқин ташқарига ашитилмайдми. Бундай шароитга эга мактаб қурилиши учун 2 миллиард 360 миллион сўм, жиҳозларга эса 473 миллион 926 минг сўм сарфланди.

Жорий йилнинг сентябрида фаолият бошлаган мактаб 17 та ўқув хонаси, муҳташам концерт зали ҳамда ахборот-ресурс марказига эга. Шунингдек, иккита хонада болалар компьютер сирларини ўзлаштиришди. Мактаб 19 та миллий ва 62 та эстрада қолғулари билан таъминланган.

— Ҳозир муассасамизда иккита рояль бор, — дейди мактабнинг фортепиано ўқитувчиси Венера Қўйбоқарова. — Чека туманда бундай шароитга эга мусиқа ва санъат мактабимизинг барпо этилишини



Ушбу ўқувчи муассасамизда раҳнамолигига амалга оширилган ишлар самараси.

қўрориқ натижаларни забт этишга ундапти, десам муболага қилмаган бўламан.

Тасвирий санъат хонасида эса болалар қалбидида беғуборлик ва гўзаллик қозоға кўчаётганлигини кўрасиз. Чизгилар бироз содда, балки шунинг учун ҳам ёқимли таассурот уйғотади. Қалам тутган қизалоқ кўз ўнгингизда бир зумда Форишнинг осмонўпар тоғларини гавдалантиради. Бошқаси фусункор кузни ифодалайди.

— Расмларимда табиатни, қишлоғимиз одамларини акс эттиришга интиламан, — дейди ўқувчи

— Мусиқа йўналиши бўйича болаларни мактабимизга қабул қилишда асосий мезон уларнинг овози ва мусиқани эслаб қолиш қобилиятларидир, — дейди халқ таълими аълоҳи Сайнур Довулов. — Ишни ўқувчиларга ноталарни ўргатиш ва овоз созлаш машқларидан бошлаймиз. Хар бир болага алоҳида 45 дақиқа давомида дарс ўтилади. Шогирдларим 3 марта республика миқёсида ўтган танловларда юқори натижаларга эришган. Айни вақтда мактабимиздаги шароитлар мени янада

«101» ОҒОЛАНТИРАДИ

Туманимиз ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан аҳоли ўртасида олиб борилаётган кенг қўламади тарғибот-ташвиқот ишларига қарамадан, фуқароларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги тубайли турли даражадаги ёнгин чиқиш ҳолатлари учраб турибди.

ЎЧИРГАНДАН ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида Яшнобод тумани ҳудудига жами 116 та ёнгин содир бўлиб, кўплаб аҳоли турар жойлари, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари моддий-техник базасига жиддий зарар етган. Ачинарлиси, ушбу ёнгинлар натижасида 4 нафар фуқаро оғир тан жароҳати олган, 2 нафар киши эса ҳаётдан қўз юрган.

Содир бўлган ёнгинларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этадиган бўлсақ, уларнинг аксарияти фуқароларнинг лоқайдлиги ва эътиборсизлиги, электр энергияси билан ишлайдиган иситиш жиҳозлари ва манший техника воситаларидан фойдаланишда эҳтиётсизлиги оқибатида юз берган. Айниқса, кўп ҳолатларда ёш болаларнинг ўйда ёлғиз қолдирилиши, уларнинг гуфурт билан ўйнаши ёки оловдан нотири фойдаланиши ҳам ёнгинлар чиқишига сабаб бўлмоқда.

Шу боис, бўлимишимиз ходимлари туман ҳудудидига 55 та маҳалла, 30 та умумтаълим мактаби, 41 та мактабга таълим муассасаси, 32 та тиббиёт масканлари ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларда ёнгин чиқишнинг олдини олиш, хавфсизлик чораларини кўриш бўйича тадбирларни ўтказиб, тушунтириш-тарғибот ишларини мунтазам олиб боришмоқда. Хонадорларга кириб, назорат тартибидидаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишмоқда. Зеро, ёнгинни ўчиришдан олдини олган афзал.

Ғайрат РАСУЛОВ, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ инспектори.

AGROTEKHNIKA Belarus 80X ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025 Боғ ва ферма учун тракторлар Гусеничали тракторлар Прессподборщик Гўзапоя урадиган комбайн УТ урадиган комбайн Мақура урадиган комбайн Жўхори йиғувчи комбайн Косилка КИР 1,5 Сомон йиғувчи мосламалар Картошка тарадиган комбайн Картошка экадиган комбайн Бугдой экадиган селка Пахта экадиган селка Дори сепадиган мосламалар Сачрибти сугорувчи мосламалар Ем майдалаб тарқатувчи техника Культиваторлар Плуг, айланма плуг, дискали плуг Чизель, борона Экскаватор погрусчик, бульдозер Траншекопелатчи, ямбур (+99871) 150-58-58 Сайт: www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz Махсуслот сертификатланган Буюртма асосида

“PALMIRA ORGANIC FOODS” МЧЖга тегишли “Spark” автомашинаси сотилади. Мурожаат учун тел.: 968-00-96.

“HINDOL” шўба корхонаси таъсисчиси Дусобов Туробек Шадамонави номига Тошкент ш. Мировод т. Мирношхўр қ. 32-ўй манзилдаги бино учун берилган № 51 рақамли мулк ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери (№ 0022933) йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

“GRAND DRAGON BUSINESS” МЧЖ директори Хитой Фуқароси Жанг Шуйайга Ташкент Миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилган № 5930 рақамли меҳнат фаолияти ҳуқуқ тасдиқловчи йўқолганлиги сабабли бекор қилинди. Давлолар учун манзил: Тошкент ш. Ҳамза т. Топ Арқик кў. 24-ўй.

“MIRROBOD DENQON BOZORI” HUNDUQDAGI 200-DO'KON (ИНН 303040573) ликвидировано (решение уполномоченного № 1, 15.10.2014 г.). Претензии принимаются в течение 1 месяца со дня публикации объявления по тел.: +99895 143-00-63.

Телефонлар: Кабулхона — 236-26-50, Котибят — 233-95-17, Аграр масалалар бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Манавият ва марифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.